
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



**ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ ТАРИФЛАР ВА
САВДО БЎЙИЧА БОШ БИТИМИ ВА САВДО БИЛАН
БОҒЛИҚ ИНВЕСТИЦИЯ ЧОРАЛАРИ ТЎҒ РИСИДАГИ
БИТИМИ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА**

НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2026

Жаҳон савдо ташкилотининг Тарифлар ва савдо бўйича бош битими ва Савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисидаги битими нормаларини қўллаш бўйича назарий-методологик қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2026 йил. –15 бет.

Мазкур қўлланма вазирлик ва идоралар ходимларига Жаҳон савдо ташкилотининг Тарифлар ва савдо бўйича бош битими ва Савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисидаги битими нормаларининг моҳиятини содда тилда тушунтириш, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида қўллаш бўйича амалий кўрсатма бериш мақсадида тайёрланди.

Ушбу назарий-методологик қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2026 йил.

Мундарижа

Кириш.....	4
I боб. ГАТТ 1994 ва ТРИМС битимининг ЖСТ тизимидаги ўрни.....	5
II боб. ГАТТ 1994нинг асосий қоидалари	6
III боб. ТРИМС битими: савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари	9
IV боб. Давлат органлари учун ЖСТ-мувофиқлик методологияси.....	10
V боб. Амалий ҳолатлар ва таҳлил намуналари	12
Илова 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси учун ЖСТ чеклист.....	13
Илова 2. “Қизил байроқ” иборалари	14
Илова 3. Тавсия этиладиган муқобил таҳрир усуллари	14
Илова 4. Қисқа эслатма: ГАТТ ва ТРИМС ўртасидаги боғлиқлик.....	14
Фойдаланилган асосий манбалар	14

КИРИШ

Жаҳон савдо ташкилоти (кейинги ўринларда – ЖСТ) давлатлар ўртасидаги савдони тартибга солиш билан шуғулланувчи нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади. Ҳозирги кунда ЖСТга аъзо давлатлар сони **166 тани** ташкил этиб, дунё савдосининг **98 фоизи** ушбу давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЖСТни ташкил этиш тўғрисидаги Марокаш битимининг XVI моддасининг 4-бандига кўра, ҳар бир аъзо давлат ўзининг қонунлари, норматив ҳужжатлари ва маъмурий тартиб-таомилларининг ЖСТ битимларига мувофиқлигини таъминлаши лозим. Бунда миллий норматив-ҳуқуқий базани ЖСТ битимларига мувофиқлаштириш асосий ўрин тутати. Шу асосда Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиши доирасида миллий қонунчиликни ташкилот битимларига мувофиқлаштириш аъзоликнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ўз навбатида, қонунчиликни уйғунлаштириш жараёнида ЖСТ доирасида тақиқланган чораларни бекор қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги ПҚ-181-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича асосий вазифа ва йўналишлар белгилаб берилди. Мазкур қарорга асосан ЖСТ билан ишлаш бўйича идоралараро комиссиянинг янгиланган таркиби тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ЖСТ масалалари бўйича махсус вакили лавозими жорий қилинди ҳамда Адлия вазирлигига миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш функцияси юклатилди.

Шунингдек, ушбу қарорга асосан бир қатор **вазирлик ва идораларда ЖСТ масалалари бўйича бўлинмалар** ташкил этилди.

Бугунги кунда миллий қонунчиликни ЖСТ қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда миллий қонунчиликни ЖСТ қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш бўйича иш режаси ишлаб чиқилган ва бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

ЖСТ битимларидаги нормалар мазмун ва моҳият жиҳатдан анча мураккаб ҳисобланади. Уларга амал қилмаган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ёки ЖСТ қоидаларининг бузилишига сабаб бўлувчи бевосита ёхуд билвосита нормаларни жорий этиш мазкур тартибни бузган аъзо давлатга нисбатан ЖСТ доирасида таъсир чоралари қўлланилишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирда Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида бўлиб, ЖСТ битимларига зид нормаларни ўз ичига олган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат аъзолик жараёнини кечиктириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги ПҚ-181-сон қарорига асосан 2023 йил 1 июлдан бошлаб **ЖСТ қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш тақиқланиши** белгиланди.

Бироқ, бугунги кунда ЖСТ битимлари мураккаб юридик тилда ёзилгани боис масъул вазирлик ва идоралар ходимлари томонидан битим нормаларини нотўғри талқин қилиш ҳоллари учрамоқда.

Мазкур қўлланма давлат органлари ходимларининг ЖСТ битимлари моҳияти, уларни норма ижодкорлиги жараёнида самарали қўллаш ҳамда экспертиза жараёнида аниқланаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича билим ва кўникмаларини оширишда бошлангич назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Асосий методологик ёндашув

ЖСТга мувофиқликни баҳолаш фақат модда матнини ўқиш билан чекланмайди. Чоранинг амалдаги таъсири, импорт ва маҳаллий товарлар ўртасидаги рақобат шароити, рухсатномалар ва имтиёзлар орқали юзага келадиган билвосита чекловлар ҳам баҳоланиши керак.

I боб. ГАТТ 1994 ва ТРИМС битимининг ЖСТ тизимидаги ўрни

1.1. ГАТТ 1994нинг мазмуни

ЖСТнинг **Тарифлар ва савдо бўйича бош битими** (ГАТТ) ЖСТнинг товарлар савдоси бўйича асосий битими ҳисобланади. У импорт ва экспорт жараёнида қўлланиладиган тарифлар, ички солиқлар, божхона расмийликлари, транзит, миқдорий чекловлар, дискриминацияни тақиқлаш ва истиснолар бўйича умумий ҳуқуқий асосларни белгилайди.

ГАТТнинг марказий ғояси шундан иборатки, давлат савдо сиёсатини юритиши мумкин, бироқ бу сиёсат шаффоф, олдиндан тахмин қилинадиган ва бошқа аъзолар товарларини асосиз камситмайдиган бўлиши керак.

1.2. ТРИМС битимининг мазмуни


ЖСТнинг Савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисидаги битими (ТРИМС) барча инвестиция муносабатларини эмас, балки фақат товарлар савдосига таъсир кўрсатадиган инвестиция чораларини қамраб олади. Унинг асосий вазифаси инвестор фаолиятига қўйиладиган айрим шартлар орқали импорт товарлари камситилиши ёки импорт/экспорт ҳажми чекланишининг олдини олишдан иборат.

ТРИМС битими ГАТТнинг III моддаси 4-банди ва XI моддаси 1-банди билан узвий боғлиқ. Шу сабабли, ТРИМС таҳлили алоҳида эмас, балки миллий режим ва миқдорий чекловлар тақиқи билан бирга олиб борилади.

Муҳим фарқ

ТРИМС инвесторга нисбатан қўйилган шарт кимга — маҳаллий ёки хорижий инвесторга — татбиқ этилишидан қатъи назар қўлланиши мумкин. Муҳим масала инвесторнинг импорт қилинган товарлардан фойдаланиш имконияти чекланаётгани ёки маҳаллий товарларга устунлик берилаётганидир.

ГАТТ 1994 ва ТРИМС битимини амалий қўллаш харитаси



1-расм. ГАТТ 1994 ва ТРИМС битимини амалий қўллаш харитаси.

II боб. ГАТТ 1994нинг асосий қоидалари

2.1. ГАТТ I модда: энг қулай режим тамойили

ГАТТ I моддаси “Энг қулай режим” (МФН) тамойилини белгилайди. Унга кўра, маҳсулотлар импорти ёки экспорти билан боғлиқ ҳолда бир давлат товарларига берилган афзаллик, имтиёз, преференция ёки энгиллик ЖСТнинг бошқа аъзолари ўхшаш товарларига ҳам дарҳол ва шартсиз татбиқ этилиши керак.

Текширув саволи	Нимага эътибор берилади?	Хавф белгиси
Имтиёз фақат айрим давлат товарларига бериляптими?	Бож, йиғим, расмиятчилик, сертификатлаш ёки импорт тартиби бўйича фарқ	МФН бузилиши хавфи
Афзаллик ҳужжатда нейтрал, лекин амалда фақат айрим давлатларга фойда берадимми?	Де факто дискриминация ҳолатлари	Юқори хавф
Имтиёз эркин савдо битими ёки преференциал режим доирасидами?	ГАТТ XXIV, ривожланаётган давлатларга преференциялар ёки бошқа тан олинган истиснолар	Асослантириш талаб этилади

Амалий эслатма

“Энг қулай режим” (МФН) тамойили фақат ЖСТ аъзоларига эмас, амалда ЖСТга аъзо бўлмаган давлатга берилган имтиёзлар орқали ҳам ишга тушиши мумкин: бундай афзаллик ЖСТ аъзоларига ҳам татбиқ этилиши талаб қилинади.

2.2. ГАТТ II модда: тариф мажбуриятлари

ГАТТ II моддаси аъзо давлатларнинг тариф жадвалида кўрсатилган божхона божи ставкалари ва мажбуриятларига риоя қилишини талаб қилади. ЖСТга аъзо бўлган давлат одатда ўз тариф жадвалида боғланган ставкадан юқори бож қўллай олмайди.

Норма ижодкорлиги жараёнида ҳар қандай янги божхона божи, қўшимча йиғим ёки фискал тўлов тариф мажбуриятлари билан солиштирилиши зарур. Божхона чегарасида олинadиган хизмат ҳақлари реал кўрсатилган хизмат қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

Муҳим эслатма

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши доирасида тариф мажбуриятлари юзасидан музокаралар давом этаётган бир пайтда, тегишли маҳсулотларга нисбатан божхона божи ставкаларини ошириш масаласи ЖСТ масалалари бўйича идоралараро комиссия ҳамда Президентнинг ЖСТ бўйича вакили билан келишилиши лозим.

2.3. ГАТТ III модда: миллий режим тамойили

ГАТТ III моддаси импорт қилинган товарлар ички бозорга киргач, маҳаллий товарларга нисбатан камроқ қулай шароитга қўйилмаслигини таъминлайди. Бу қоида ички солиқлар, йиғимлар, қонунлар, қоидалар, талаблар, сотиш, харид қилиш, ташиш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ тартибларга нисбатан қўлланади.

Қамров	Мисол	Баҳолаш мезони
Ички солиқ ва йиғимлар	Импорт маҳсулотига маҳаллий маҳсулотга нисбатан юқорироқ аксиз ёки рўйхатдан ўтказиш тўлови	“Ортиқча солиқ юки” мавжудми?
Ички талаблар	Импорт маҳсулоти фақат алоҳида дўконларда сотилиши мумкинлиги	Рақобат шароити ёмонлашадими?
Маҳаллий контент	Маҳсулот таркибида камида маълум фоиз маҳаллий хомашё бўлиши шarti	Маҳаллий маҳсулотга устунлик борми?
Давлат хариди истисноси	Давлат эҳтиёжи учун товар сотиб олиш	Тижорат мақсадида қайта сотиш мавжуд эмасми?

Де юре ва де факто таҳлил

Ҳужжат матнида “импорт” сўзи ишлатилмаган бўлса ҳам, чора амалда импорт товарларига кўпроқ салбий таъсир қилса, миллий режим бўйича хавф юзага келиши мумкин.

2.4. ГАТТ V модда: транзит эркинлиги

ГАТТ V моддаси товарларнинг транзит орқали ўтишига нисбатан асосиз кечиктириш, ортиқча тўлов, камситувчи талаб ёки кераксиз расмиятчиликлар қўлланмаслигини назарда тутди. Транзит масалаларида давлат хавфсизлиги, божхона назорати ва санитария талаблари бўлиши мумкин, бироқ улар зарур ва мутаносиб бўлиши керак.

2.5. ГАТТ VIII модда: импорт ва экспорт билан боғлиқ йиғимлар

ГАТТ VIII моддаси импорт ва экспорт билан боғлиқ тўловлар ва расмиятчиликларни тартибга солади. Бундай тўловлар фискал даромад манбаи ёки яширин протекционистик чорага айланмаслиги, кўрсатилган хизматнинг тахминий қийматига мос бўлиши керак.

Амалий савол

Агар лойиҳа импорт ёки экспорт учун янги йиғим жорий қилса, унинг миқдори қандай ҳисобланган? У хизмат қийматига асосланганми ёки бюджет даромадини ошириш мақсадини кўзлаяптими?

2.6. ГАТТ XI модда: миқдорий чекловларни умумий бартараф этиш

ГАТТ XI моддаси импорт ёки экспортга бож, солиқ ва бошқа тўловлардан ташқари тақиқ ёки чекловлар қўллашни умумий қоида сифатида тақиқлайди. Бундай чекловларга квота, импорт ёки экспортни лицензиялаш, тақиқлар, рухсатномалар ва савдо ҳажмини амалда чеклайдиган бошқа чоралар киради.

Миқдорий чекловлар тарифлардан фарқли равишда савдо ҳажмига бевосита “тақиқ ёки чеклов” қўяди. Товар нарх бўйича рақобатбардош бўлса ҳам, квота ёки рухсатнома чеклови сабабли бозорга кира олмаслиги мумкин.

Чора тури	ГАТТ XI бўйича хавф	Изоҳ
Импорт квотаси	Қизил	Импорт ҳажмини бевосита чеклайди
Экспорт тақиқи	Қизил	Айрим вақтинчалик истиснолар бўлиши мумкин, лекин қатъий асос талаб этилади
Автоматик бўлмаган лицензия	Сариқ/қизил	Агар рухсат бериш мезонлари ноаниқ ёки ҳажми чекласа, юқори хавф
Автоматик рўйхатга олиш	Яшил/сариқ	Агар фақат статистик ва шаффоф бўлса, хавф пастроқ.

Импортни экспорт мажбуриятига боғлаш	Қизил	ТРИМС ва ГАТТ XI бўйича хавф
---	-------	------------------------------

2.7. ГАТТ XIII модда: миқдорий чекловларни камситмасдан қўллаш

Агар ГАТТ ёки бошқа ЖСТ битимлари доирасида истисно тариқасида миқдорий чеклов қўллашга йўл қўйилса, бундай чеклов аъзолар ўртасида дискриминациясиз тақсимланиши керак. Бу қоида айниқса квота, тариф квотаси ва тақсимлаш механизмларида муҳим аҳамиятга эга.

2.8. ГАТТ XX модда: умумий истиснолар

ГАТТ XX моддаси айрим қонуний мақсадлар учун савдога таъсир қилувчи чораларни оқлаш имконини беради. Масалан, инсон, ҳайвон ёки ўсимлик ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, жамоат ахлоқи, тугайдиган табиий ресурсларни асраш каби мақсадлар кўрсатилган.

Бироқ истиснога таяниш учун икки босқичли таҳлил талаб этилади: биринчидан, чора XX моддадаги аниқ бандлардан бирига мос келиши; иккинчидан, чора асоссиз ёки ўзбошимчалик билан дискриминация қилмаслиги ва халқаро савдони яширин чеклаш воситаси бўлмаслиги керак.

Истисно автоматик рухсат эмас

Қонуний мақсад мавжудлиги чоранинг ЖСТга мувофиқлигини ўз-ўзидан таъминламайди. Чора зарур, мутаносиб, шаффоф, вақт ва ҳажм бўйича асосланган ҳамда камроқ чекловчи муқобиллар билан солиштирилган бўлиши керак.

III боб. ТРИМС битими: савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари

3.1. ТРИМС битимининг амал қилиш доираси

ТРИМС битими фақат товарлар савдоси билан боғлиқ инвестиция чораларига нисбатан татбиқ этилади. Битимнинг ўзида “савдо билан боғлиқ инвестиция чораси” атамасига батафсил таъриф берилмаган бўлса-да, унга илова қилинган намунавий рўйхат ГАТТ III:4 ва XI:1 нормаларига зид келувчи чораларнинг асосий турларини кўрсатади.

3.2. ГАТТ III:4га зид ТРИМС чоралари

Чора	Мазмуни	Нега хавфли?
Маҳаллий контент талаби	Инвестор ёки корхона маҳаллий маҳсулот, хомашё ёки компонентлардан фойдаланиши шарт	Импорт маҳсулотлари маҳаллий маҳсулотларга нисбатан камроқ қулай шароитга қўйилади
Афзаллик олиш учун маҳаллий харид шарти	Имтиёз, субсидия, лицензия ёки рухсат маҳаллий маҳсулотдан фойдаланишга боғланади	Талаб “мажбурий” бўлмаса ҳам, афзаллик олиш шарти сифатида ТРИМС хавфини келтириб чиқаради

Савдо баланслаш талаби	Импорт қилинадиган маҳсулот ҳажми ёки қиймати экспорт ҳажми ёки қиймати билан боғланади	Импортдан фойдаланиш имконияти экспорт натижасига боғланади
------------------------	---	---

3.3. ГАТТ XI:1га зид ТРИМС чоралари

Чора	Мазмуни	Таҳлил
Импортни экспорт ҳажмига боғлаш	Корхона экспорт қилган ҳажмига мутаносиб равишда импорт қила олади	Импорт ҳуқуқи миқдорий тарзда чекланади
Валюта тушумига боғланган импорт	Импорт учун чет эл валютасидан фойдаланиш корхонанинг валюта тушумлари билан чекланади	Импорт имконияти молиявий/валюта механизми орқали чекланади
Экспорт ёки экспортга сотишни чеклаш	Инвестор маҳсулотнинг маълум қисмини маҳаллий бозорда сотиши шарт	Экспорт ҳажми ёки экспортга сотиш имконияти чекланади

ТРИМС бўйича асосий хулоса

Давлат инвестицияни рағбатлантириши мумкин, лекин имтиёз ёки рухсатни маҳаллий маҳсулотдан фойдаланиш, импортни экспорт билан мувозанатлаш, импорт ҳажмини чеклаш ёки экспортга сотишни чеклаш шарти билан боғлаши мумкин эмас.

IV боб. Давлат органлари учун ЖСТ-мувофиқлик методологияси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси учун ЖСТ-мувофиқлик алгоритми



4.1. Биринчи босқич: чорани таснифлаш

Лойиҳа матнида кўзда тутилган ҳар бир чора алоҳида аниқланади. Битта қарор лойиҳасида бир вақтнинг ўзида божхона тўлови, лицензия, субсидия, солиқ имтиёзи ва инвестиция шарти бўлиши мумкин. Ҳар бир чора бўйича алоҳида ЖСТ таҳлили ўтказилади.

Чора тури	Текшириладиган асосий модда	Изоҳ
Божхона божи	ГАТТ II	Тариф жадвали ва боғланган ставка билан солиштирилади (мазкур жараён лойиҳани ЖСТ масалалари бўйича идоралараро комиссия ҳамда Президентнинг ЖСТ бўйича вакили билан келишиш жараёнида аниқланади)
Ички солиқ/йиғим	ГАТТ III	Импорт ва маҳаллий товарлар учун тенглик текширилади
Импорт/экспорт лицензияси	ГАТТ XI, ЖСТнинг Импортни лицензиялаш тўғрисидаги битими	Лицензия савдо ҳажмини чеклаётими?
Инвестиция шарти	ТРИМС + ГАТТ III/XI	Маҳаллий контент ёки савдо баланслаш борми?
Давлат хариди	ГАТТ III:8 истисноси	Давлат эҳтиёжи ва тижорат мақсади фарқланади
Техник талаб	ГАТТ III, ТБТ/СПС битимлари	Товар хавфсизлиги ва стандартларга боғлиқ чора

4.2. Иккинчи босқич: таъсири баҳолаш


Норма фақат матн бўйича эмас, амалий таъсири бўйича ҳам баҳоланади. Масалан, “барча ишлаб чиқарувчилар”га татбиқ этиладиган маҳаллий контент талаби маҳаллий ва хорижий инвесторларни фарқламаслиги мумкин, лекин импорт қилинган компонентлардан фойдаланиш имкониятини чеклагани сабабли ТРИМС бўйича хавф туғдиради.

4.3. Учинчи босқич: хавф даражасини белгилаш

Хавф даражаси	Белгилар	Тавсия
Яшил	Чора барча товарларга тенг қўлланади; савдони чекламайди; шаффоф ва процессуал	Лойиҳа давом эттирилиши мумкин, асослантириш сақланади
Сариқ	Импорт ёки экспортга билвосита таъсир бўлиши мумкин; истисно ёки қўшимча асос керак	Таҳрир, мақсад ва муқобил чоралар бўйича изоҳ тайёрланади
Қизил	Маҳаллий контент, дискриминацион имтиёз, квота, тақиқ ёки импортни экспортга боғлаш мавжуд	Норма қайта ишлаб чиқилади ёки бекор қилинади

4.4. Экспертиза жараёни

Лойиҳа экспертизасида тавсия этиладиган иш жараёни



3-расм. Лойиҳа экспертизасида тавсия этиладиган иш жараёни.

V боб. Амалий ҳолатлар ва таҳлил намуналари

5.1. Маҳаллий контент шarti

Ҳолат

Лойиҳа бўйича саноат корхонасига солиқ имтиёзи берилади, бироқ имтиёздан фойдаланиш учун ишлаб чиқаришда камида 40 фоиз маҳаллий хомашё ёки бутловчи қисмлардан фойдаланиш талаб этилади.

Таҳлил: ушбу шарт импорт қилинган хомашё ва компонентлардан фойдаланишни маҳаллий маҳсулотларга нисбатан камроқ қулай шароитга қўяди. Талаб имтиёз олиш шarti сифатида белгиланган бўлса ҳам, ТРИМС битими бўйича хавф сақланади. Муқобил сифатида технологик модернизация, энергия самарадорлиги, экологик стандарт ёки ходимлар малакасини ошириш каби товар келиб чиқишига боғлиқ бўлмаган мезонлардан фойдаланиш мумкин.

5.2. Экспорт тақиқи ёки вақтинчалик чеклови

Ҳолат

Ички бозорда нарх барқарорлигини сақлаш мақсадида айрим озиқ-овқат маҳсулотлари экспортига вақтинчалик тақиқ қўйиш таклиф қилинмоқда.

Таҳлил: экспорт тақиқи ГАТТ XI моддаси бўйича миқдорий чеклов сифатида баҳоланади. Айрим фавқулудда вазиятларда озиқ-овқат ёки бошқа зарур товарларнинг кескин танқислигини олдини олиш учун вақтинчалик чекловлар асосланиши мумкин. Бироқ чора вақтинчалик, аниқ далилларга асосланган, мутаносиб ва шаффоф бўлиши керак. Нархни бошқаришнинг камроқ чекловчи муқобиллари ҳам кўриб чиқилиши зарур.

5.3. Импорт маҳсулотига алоҳида рўйхатдан ўтказиш тўлови

Ҳолат

Импорт қилинадиган маҳсулотлар учун рўйхатдан ўтказиш тўлови маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан юқорироқ белгиланади.

Таҳлил: агар тўлов ички бозорда маҳсулотни сотиш ёки ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, ГАТТ III моддаси бўйича миллий режим масаласи юзага келади. Тўловнинг фарқланиши реал хизмат харажатлари билан асосланмаса, импорт товарига камроқ қулай шароит яратади. Муқобил сифатида барча маҳсулотлар учун бир хил, харажатга асосланган ва шаффоф тўлов жорий қилиниши лозим.

5.4. Инвесторга экспорт мажбурияти

Ҳолат

Инвесторга ер, инфратузилма ёки солиқ имтиёзи берилади, бироқ у ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 70 фоизини экспорт қилиши керак.

Таҳлил: ТРИМС битими экспорт самарадорлиги талабларини ҳар доим ҳам мустақил равишда қамраб олмайди, лекин бундай шарт субсидия, экспортни рағбатлантириш ва бошқа ЖСТ битимлари бўйича алоҳида хавф туғдириши мумкин. Агар талаб импорт ҳуқуқи, валюта ресурслари ёки маҳаллий бозорда сотиш чеклови билан боғланса, ТРИМС ва ГАТТ XI бўйича ҳам муаммо юзага келади.

Илова 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси учун ЖСТ чек-лист

№	Савол	Ҳа/Йўқ	Изоҳ
1.	Чора товарлар импорти ёки экспортга таъсир қиладими?		
2.	Чора импорт товарларига маҳаллий товарларга нисбатан юқорироқ солиқ, йиғим ёки талаб қўядими?		
3.	Чора айрим давлатлар товарларига бошқа давлатлар товарларига нисбатан имтиёз ёки чеклов берадими?		
4.	Чора импорт ёки экспорт ҳажмини квота, тақиқ, рухсатнома ёки лицензия орқали чеклайдими?		
5.	Имтиёз маҳаллий маҳсулот, хомашё ёки компонентдан фойдаланиш шarti билан боғланганми?		
6.	Импорт қилиш ҳуқуқи экспорт ҳажми, валюта тушуми ёки маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми билан боғланганми?		
7.	Чора қонуний мақсадга қаратилган бўлса, у зарур ва мутаносиб эканлиги асосланганми?		
8.	Камроқ савдони чекловчи муқобил механизм кўриб чиқилганми?		

Илова 2. “Қизил байроқ” иборалари

Қуйидаги иборалар лойиҳа матнида учраса, уларни ГАТТ ва ТРИМС нуқтайи назаридан алоҳида текшириш тавсия этилади:

- “фақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун”;
- “маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш шарт билан”;
- “камида ... фойиз маҳаллийлаштириш даражаси”;
- “импорт қилиш ҳуқуқи экспорт мажбуриятини бажаришга боғлиқ”;
- “экспорт ҳажмига мутаносиб импорт қилиш”;
- “чет эл маҳсулотларини харид қилиш тақиқланади”;
- “маҳаллий хомашёни харид қилиш мажбурияти”;
- “фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар”.

Илова 3. Тавсия этиладиган муқобил таҳрир усуллари

Хавfli ёндашув	ЖСТга мосроқ муқобил
Имтиёзни маҳаллий контент фойизига боғлаш	Имтиёзни энергия самарадорлиги, экологик кўрсаткич, технологик янгиланиш ёки ходимлар малакаси каби келиб чиқишга боғлиқ бўлмаган мезонларга боғлаш
Импорт ҳажмини экспорт ҳажмига боғлаш	Импортни умумий божхона ва техник талаблар асосида шаффоф тартибга солиш
Импорт маҳсулотига юқорироқ рўйхатдан ўтказиш тўлови	Барча маҳсулотлар учун хизмат қийматига асосланган ягона тўлов белгилаш
Экспорт тақиқи	Зарур бўлса, вақтинчалик, аниқ далилларга асосланган ва камроқ чекловчи чораларни танлаш
Айрим давлат товарларига алоҳида имтиёз	Имтиёзни барча ЖСТ аъзолари ўхшаш товарларига тенг татбиқ этиш ёки тан олинган истиснога асослаш

Илова 4. Қисқа эслатма: ГАТТ ва ТРИМС ўртасидаги боғлиқлик

Савол	ГАТТ бўйича жавоб	ТРИМС бўйича аҳамияти
Импорт товари ички бозорда камситиляптими?	ГАТТ III модда қўлланади	Маҳаллий контент ёки маҳаллий харид шарт ТРИМС хавфини келтириб чиқаради
Импорт ёки экспорт ҳажми чекланыптими?	ГАТТ XI модда қўлланади	Импортни экспортга ёки валюта тушумига боғлаш ТРИМС хавфини келтириб чиқаради
Бир давлат товарига алоҳида имтиёз борми?	ГАТТ I модда қўлланади	ТРИМС эмас, лекин умумий ЖСТ мувофиқлиги учун муҳим
Чора қонуний мақсадга қаратилганми?	ГАТТ XX истиснолари текширилади	ТРИМСда ГАТТ истиснолари тегишли ҳолатда қўлланиши мумкин

Фойдаланилган асосий манбалар

Жаҳон савдо ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги Марокаш битими.

General Agreement on Tariffs and Trade 1994 (GATT 1994).

Agreement on Trade-Related Investment Measures (TRIMs Agreement).

WTO Analytical Index: ГАТТ 1994 ва TRIMs Agreement бўйича изоҳлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги ПҚ-181-сон қарори.